

БРУЦЕЛЛЁЗ КАСАЛЛИГИ УМУМИЙ ТАВСИФ, ЭТИОЛОГИЯ, ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, ПРОФИЛАКТИКА ВА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Мизробов Достон Ўктамович

mizrobov.doston@bsmi.uz

Бухоро Давлат Тиббиёт институти.

Аннотация: Бруцеллёз - турли хил юкиш йулларига эга булган, купгина аъзо ва тизимларни, асосан таянч-харакат аъзоларини хамда асаб тизимининг шикастланиши, организмнинг захарланиши ва аллергияни намоён булиши билан тавсифланувчи хамда инфекцион жараённи ривожланиши, аксарият холларда сурункали кечиши, купинча кейинчалик беморларда ногиронликни келтириб чиқарадиган, кенг тарқалган полиэтиологик зооантропоноз ута хавфли юкумли касалликдир. Ушбу мақолада бруцеллёз касаллигининг умумий тавсифи, уларнинг этиологияси, эпидемиологияси, диагностика ва даволаш йўллари, шунингдек, профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш усуллари баён этилади. Мақолада жаҳон тажрибаси ва замонавий ёндашувларга асосланиб, юкумли касалликларнинг тарқалишини камайтириш борасидаги асосий йўналишлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Бруцеллёз, юкумли касалликлар, этиология, эпидемиология, профилактика, эпидемияга қарши чоралар.

Мақола мазмуни.

Кириш: Бруцеллёз - турли хил юкиш йулларига эга булган, купгина аъзо ва тизимларни, асосан таянч-харакат аъзоларини хамда асаб тизимининг шикастланиши, организмнинг захарланиши ва аллергияни намоён булиши билан тавсифланувчи хамда инфекцион жараённи ривожланиши, аксарият холларда сурункали кечиши, купинча кейинчалик беморларда ногиронликни келтириб чиқарадиган, кенг тарқалган полиэтиологик зооантропоноз ута хавфли юкумли касалликдир. Бруцеллёз кузгатувчилари *Brucella* туркумига мансуб микроорганизмлар хисобланади.

Этиология: *Brucella* туркуми алохида олтита турлардан иборат булиб, улар бир канча биоварларга булинади.

_____ *Brucella melitensis*: куй ва эчки учун патоген булиб, бошка турдаги хайвонларда хам касаллик кузгатиши мумкин. Марказий Осиё жумладан, Ўзбекистон Республикасида одам патологиясида катта ахамиятга эга булиб, одамларда касалликнинг 90 фоиздан ортиги *B.melitensis* билан боғлиқ.

B.abortus: йирик шохли хайвонлар учун патоген булиб, уларда аборт келтириб чиқаради, бошқа турдаги хайвонларни ҳам зарарлаши мумкин.

Br.suis: одатда чучкалар учун патоген, аммо бошқа турдаги хайвонларга ҳамда одамларга ҳам юқиши мумкин.

Br.neotomae: биринчи марта 1957 йилда АКДТда. (Юта штати) чулдаги бутазор каламушларидан ажратилган.

B.ovis: кучкорлар учун патоген. Асосан жинсий аъзоларини зарарлайди (орхоэпидидимит), куйларда абортни келтириб чиқариши мумкин.

Br.canis: итлар учун патоген, уларда эпидидимитлар ва абортлар чақиради.

Эпидемик жараённинг ривожланиш механизми

Бруцеллёз билан асосан кишлоқ хужалиги хайвонлари: куй, эчки, қорамол, чучка, туя, шимол бугулари ва бошқалар касалланади. Одатда ҳар бир хайвон тури аниқ бир турдаги кузгатувчи билан зарарланади.

Бруцелланинг *melitensis* ва *abortus* турлари бошқа хайвонларга миграция қилиши мумкин. Аборتلар бруцеллёзнинг эпизоотологияси ва эпидемиологиясида муҳим аҳамият касб этади, чунки бунда аборт булган хомила, йулдош билан, таносил ва тугитт аъзоларининг метрит, эндометритлар, вагинит каби зарарланишида бачадон ва киндан ажралмалар билан куп микдорда, узок вақт бруцеллалар ажралиши кузатилиб, хайвонларга юқиши ва қайтадан юқишига сабаб булади. Касал хайвонлар тукканда ва бола ташлаганида бруцеллаларнинг куп микдорда ажратилиши, шунингдек сути орқали инфекциянинг хужалиқда тарқалиши аксарият ҳолларда касалликнинг одамга юқишида асосий омил булиб хизмат қилади.

Бруцеллёзнинг эпидемиологик назорати - инфекциянинг комплекс назорати булиб, аҳолининг ҳар хил контингентлари, турли ёш гуруҳлари орасидаги касалликнинг куп йиллик динамикаси, клиник шакллари тахлилини, аҳолининг иммунологик структураси ҳолати ва бундан ташқари, шу ҳудудда циркуляция қилиб юрувчи бруцелла турини, охириги йиллардаги эпизоотик ҳолати тахлилини уз ичига олади.

Профилактик ва эпидемияга қарши курашиш чора-тадбирлари

Бруцеллёзнинг профилактикаси ветеринария-санитария, хужалиқ ва тиббий - санитария чора-тадбирларни камраб олиб, пировард мақсад хайвонлар орасида инфекцияни бартараф этиш ва аҳоли орасида касалликни тугаллашдан иборатдир.

Бруцеллёзни зооантропоноз инфекция эканлигини эътиборга олган ҳолда, эпидемик хотиржамлик негизини дастлаб инфекцияни хайвонлар орасида олдини олиш ва пайдо булган эпизоотия учокларини йукотиш тадбирлари ташкил этади.

Бруцеллёзнинг профилактикасидаги тиббий санитария чора-тадбирлари куйидагилардан иборат:

- 1) одамларни касаллик юкишидан химоялаш;
- 2) профессионал контингентларни профилактик куриқдан утказиш;
- 3) санитария -тарғибот ишларини олиб бориш

Одамларни касаллик юкишидан химоялаш кенг умумсанитария ва ветеринария чоралар утказиш ҳамда шахсий химоя воситаларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади:

- касаллик манбаини топиш ва нейтраллаш буйича чоралар утказиш;
- хужалик ва корхонанинг санитария-гигиеник ҳолатини талаб даражасида булишини таъминлаш, дезинфекция режимига риоя этиш;
- бруцеллёз касаллиги буйича нохуш хужаликдаги хайвонни суйиш коидаларига риоя этиш, асбоб-ускуналарни, биноларни дезинфекция қилиш, чиқиндиларни зарарсизлантириш, касалланган хайвонни олиб келишда фойдаланилган транспортларни дезинфекция қилиш;
- бруцеллёз касаллиги буйича нохуш хужаликлардаги хайвонларнинг сутларини, суйиш маҳсулотларини қайта ишлаш ва фойдаланишда урнатилган коидаларга риоя этиш;
- хужаликларда хайвонлар билан ишлаш коидаларига риоя этиш;

Фойдаланилган адабиётлар

1. Т.А.Даминов Инфекционные болезни с детскими инфекциями// «Практика». — 2010. — С.370—377.
2. Афанасьева Н.А. Инфекционно—воспалительные заболевания полости рта и глотки // Российский медицинский журнал = Russian medical journal : Двухмес. науч.—практ. журн. — М. : Медицина, 2007. — № 5. — С.21— 25.
3. Беляков В.Д., Брико Н.И. // Здоровье населения и среда обитания: Информационный бюллетень / Федеральный центр государственного санитарно—эпидемиологического надзора. М. : ВНиСО. Ежемес., 1994 — № 10 (19) — С.4—7.
4. Белякова И.В. OF-типирование при изучении эпидемического процесса стрептококковой инфекции // Журнал микробиологии эпидемиологии и иммунологии / Минздрав РФ. — М. : Медицина, 1993. — № 2. — С.48— 49.
5. Келдиёрова З.Д. Состояние иммунной системы у детей с инфекционным мононуклеозом и обоснование иммунокорректирующей терапии.// Central Asian Journal Of Medical and Natural Sciences. <http://cajmns.centralasianstudies.org/index.php/CAJMNS/article/view/422/3972>.
6. Мизробов Д.Ў. General description, etiology, epidemiology, prevention and improvement of anti-epidemic measures of measles, rubella and rubella.// «Лучшие интеллектуальные исследования» №1 2024. <https://scientific-jl.org/luch/article/view/6182>. Б. 169-171